

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 15-MAY ■ SHANBA ■ 59 (27.234) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



ТОШКЕНТ: АМИР ТЕМУР КЎЧАСИНИНГ «БЕЛБОФ»И

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкент осмонлар бинolari, кўркли-кўркам истироҳат боллари, ўзига хос бозорлари, кенг, раvon йўллари ва йўлларни-йўлларга, манзиллари-манзилларга боғлаётган улкан кўприклар билан кун сайин чирой очиб бормоқда. Кейинги йилларда Тошкент кўприкзоллари маҳорати ва тажрибасига атофимиздаги давлатлар мутахассислари қизиқиши ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Тошкент кўприкларини пухта ишланган лойиҳалар асосида амалга оширилади. Пойтахтимизнинг Юнусобод йўналишида, Амир Темуr шохқўчаси усти узра Хидирали Эргашев ва Хусниддин Асамов кўчаларини бир-бирига туташтирувчи яна бир улкан кўприк қурилиши қизғин бормоқда.

...Қурилиш кетаётган манзилдамиз... Қурувчиларнинг шовқин-сурони, трактор, бульдозер, кўтарма кран, самосвал ва бетон қориш машиналари ҳайқирғи атрофини тутган. Тупроқ ва чанг-тўзонга тўйинган йўллар... Эрталаб уйдан аксингиз қўринадиган даражада ярқиратиб чиққан пойабзалингизу қиличнинг да-

мидай дазмол босилган уст-бощингизни бир пасда тегиримончининг жомакорига айлантиради қўяди...

— Хар-хар замонда шундай жойларда ҳам бўлиб туриш керак, — дейман сураткашимиз Шавкат Акрамовга юзланиб. Унинг бир муддат кайфияти тушундай бўлди-ю, ҳеч қанча ўтмай:

— Ҳа, ўзимизнинг қишлоқ йўллари ҳам шу-да, — деди у жилмайишга ҳаракат қилиб.

Айтмоқчи бўлганимиз аслида бу эмас, аксинча, бу ерда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишлари сурони ва унинг моҳиятини тасвирлаш...

— Бу киши участка бошлиғимиз — Константин Пенсков, — таништирди бизни қурилиш штаби — вагончага бошлаб



борган йигит.

— Матбуотдансизлар-а? Сездим, — деди Константин Алексеевич табассум билан. — Бирпас кутасизларми, биз мумкин бир масала хусусида фикрлашаётгандик, — ёнида каска кийган уч-тўрт одам ва стол устидаги аллақандай

қоғозларга (лойиҳа ва чизмалар бўлса керак) ишора қилиб.

Бошлиқ суҳбатдошларига уқтиришда давом этди. — Рашид, бояғи масалада нима дедисан? Билиб қўй, кран кечагидай тўхтаб қолмасин?

Турсунбой ака, тажрибали монтажчис. Устунлар оралиғидаги ўлчов билан уларга қўйилаётган таянчлар текислигига жавоб берасиз. Мана, қаранг, «чертёг»га тушган ҳолати... Адашманг...

2-бет

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МОНИТОРИНГИ» ТАҚДИМОТИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз Раҳматов). Олий Махлисида парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрланган «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда мамлакатимизда мунтазам олиб бориладиган мониторинг натижаларини таҳлил этиш, амалиётда кенг қўллаш ўзининг ижобий натижаларини бераётгани таъкидланди.

Ўзбек тилида илк мартаба босмадан чиқарилган мазкур китобда давлат органлари томонидан қонун ҳужжатлари бажарилиши самарадорлигини оширишнинг муҳим механизми ҳисобланган мониторинг институти тўғрисидаги мақолалар жамланган.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз Раҳматов). Олий Махлисида олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакилилик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Махлисининг Матбуот ва ахборот, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ҳамкорлигида ўтказилди.

Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Шу йил охирида юртимизда илк бор икки палатали парламентга, шунингдек давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакилилик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Сиёсий ҳаётимиздаги гоят муҳим бу жараённи ҳаққоний, ҳолис ва атофлича ёритиш журналистлардан ўз масъулиятини янада ошириши талаб этади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгаришлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ёритишда фаол, ҳолис ва қатъиятли бўлиши даркор.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб қилиш бўйича тадбирлар дастури маълумланди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Сайловчилар ўз фикр-мулоҳазалари, дарду ташвишларини ўзлари ишонч билдириб сайлаган депутатларига очик-ойдин айтишга ўрганишган. Шу боис ҳам сайловчиларнинг депутатлар билан учрашувлари ҳар доим қизғин ўтади.

ХДПнинг Олий Махлисидаги фракцияси аъзоси Бўри-тош Шодиевнинг Узун туманида ўз сайловчилари билан ўтказган учрашувларида ҳам бу яққол намоён бўлди. Суҳ-

батлар Олий Махлис XIV сессиясида кўрилган масалалар, диний экстремизм ва терроризмнинг ёвуз мақсадлари ҳамда оқибатлари, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммолар, уларнинг ечими ҳақида фикрлашилди. Депутат ўз сўзида Юртбошимизнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали «Барчамиз сезгир, огоҳ ва хушёр бўлайлик» деган даъватининг моҳияти тўғрисида алоҳида тўхтади.

Учрашувларда, шунингдек озоқлидан маҳрум этилган шахслар оилаларининг ижтимоий муҳофазаси, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, умуман ёш авлодини миллий истиқлол руҳида тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ҳақидаги масалаларга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қонунчилик мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Маркази бир ҳафта мобайнида ОАВнинг ҳуқуқий мавзуларда фаолият кўрсатаётган журналистлари билан «Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти-

Ватан ҳимояси — олий шараф

СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ ЎЗАГИ



СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ни юксалтиришда ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш истиқболлари» мавзусида ўқув-масгулотларини ўтказди. Масгулотларда ҳуқуқшунослик ва журналистика соҳасининг етук олимлари, Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиқлари режага асосан семинарлар олиб борди.

Баҳс-мунозарали ўтган ўқув-масгулотларида айниқса Ўзбекистондаги АҚШ элчисининг юридик маслаҳатчиси Сара Ламнинг маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўқув кунинда масгулот катнашчиларига Марказининг ҳамда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг махсус сертификатлари берилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури ўринбосари Абдуҳали Холмаҳаматов топширди.

Маъмурият УМРЗОҚ

Бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучларида туб ислохотлар олиб борилапти. Теъзор ва ихчам, замонавий қурол-аслаҳа ҳамда техника билан таъминланган, юксак жанговар тайёргарликка эга бўлган профессионал армия ташкил этилмоқда.

Айниқса бу борада ҳуқуқат қарорига кўра, Қуролли Кучларимиздаги сержантлар таркибини танлаш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қарор ҳарбий хизмат нуфузини янада оширди. Сержантлар жанговар тайёргарликни ошириш, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашда аскарларнинг энг яқин дўсти, маслақдоши, устозига, офицерларнинг эса биринчи ёрдამчиларига айланмоқда.

Илгарилари сержант дейилганда, кўз ўнгимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган, сафдошларига қараганда намунали хизмат қилаётган аскар намоён бўлар эди. Бугунги миллий армиямиздаги сержант эса тамоман бошқа қиёфадаги ҳарбийдир. Сержантлик — касб.

3-бет

Япониянинг Гунма префектураси маркази — Маебаша шаҳрида халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Япония, Ўзбекистон, Хитой, Эрон, Сурия, Туркия, Хиндистон, Корея каби ўндан ортиқ давлатнинг ипак етиштириш борасидаги анъаналари ва замонавий технологиялар ҳақида маълумот берилди.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИ

«Nippon Silk Center» («Япония ипак маркази») илмий-тадқиқот маркази мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг ипакчилик соҳасидаги юқори мавқеи эътиборга олинган ҳолда мамлакатимизга кўргазма залларида алоҳида ўрин ажратилди. Экспонатлар орасида таниқли япон этнология Тейко Като хоним ва Марказий Евроосиё клуби коллекцияларидан олинган ўзбек миллий либослари, «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан тақдим этилган турли навадаги пилла намуналари ва ипак хомашёси томошабинларда катта таассурот уйғотди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда Буюк ипак йўли тарихи, унинг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий-маърифий алоқалар тараққиётида тугган ўрни ва бугунги аҳамияти мавзуларида маърузалар ўқилди.

ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли ташкилотлар мутахассисларининг фикрича, 2020 йилга бориб Буюк ипак йўли сайёҳларининг энг сеvimли йўналишларидан бирига айланади. Шу маънода бой маданий ва маънавий мерос, қадимий дурдоналарга эга бўлган Ўзбекистон япон туристларининг янада серкатнов гўшасига айланиши эътироф этилмоқда.

Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА, Токио.

Болалар спорти

«ЧОРШАНБЕ»ГА ЁШЛАР ИНТИЛАДИ

Шаҳрисабзда кўкувнар сайилгоҳлар ёхуд иқтидорлар камол топаётган илм масканлари анчагина. Эндиликда «Чоршанбе» бошқўргони ҳам ёшларни ўзига чорлаши туган гап. Чунки шу пайтгача туманда бу каби спорт мажмуи йўқ эди.

Болалар спортини ривожлантириш Қашқадарё вилоят жамғармаси тендер танлови ўтказганда, «Қаршиуйқойса-ноатқурилиш» трестига қарашли Шаҳрисабздаги 1-механизацияланган кўчма жамланма жамоаси имкониятини қўлга киритди. Мажмуа қурилиши учун 210 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилди. Қурувчилар юқори суръат билан меҳнат қилдилар. Натижада футбол, волейбол, баскетбол, ёнгил атлетика ўйингоҳлари, ёрдამчи биноларни ичига олган спорт мажмуи тез қуриб битказилди. Эндиликда бу жойда спортта меҳр қўйган юзлаб ёшлар мураббийлар раҳбарлигида масгулотлар ўтказишади.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛДИ

Улуғнор туманининг Хайдаробод қишлоғида «Бунёдкор» фирмаси томонидан 240 ўринга эга бўлган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 40 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Мазкур фирма республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан эълон қилинган тендерда ғолибликни қўлга киритди ва 140 миллион сўмлик спорт мажмуасини қуришга киришди. Мажмуада баскетбол, волейбол майдончаси, теннис корти ва мини футбол учун ўйингоҳ жойлашди.

Янги мажмуа республикамизнинг Мустақиллик кўни арафасида фойдаланишга топширилди.

Комилжон НИЗОМОВ,
«Туркистон-пресс»

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

«Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурини бажариш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги 21-сонли Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди. «Авлодлар учрашуви» га II жаҳон уруши қатнашчилари, меҳ-

нат фахрийлари, устоз ва мураббийлар ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари таклиф этилди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдураҳмонова, жамғарма ижрочи директор вазифасини бажарувчи Шўхрат Худойбердиев ва бошқалар сўзга чиқиб, нуруний отахон ва онахонларга

ҳамда болалар уйларида тарбияланганларга ҳурмат-этиром, ғамхўрлик кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Кеча якунида меҳмонларга ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди.

Маъмурият МАҲМУД

БУВАЙДАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Фаргона вилоятининг Бувайда туманида бугун «Китоб байрами» ўтказилади. Унда «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Меҳнат», «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», «Ижод дунёси» нашриёт уйи, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Маънавият», «Янги аср авлоди» сингари йигирмага яқин республика нашриётлари томонидан чиқарилаётган китоблар намойиш этилади ҳамда китобхонлар билан қизқарли учрашувлар бўлиб ўтади. Байрамда юртимизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари, таниқли шоир ва журналистлар иштирок этиб, учрашувлар, мушоира кечалари ҳам ташкил этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 50 йиллиги муносабати билан «Ижод дунёси» нашриёт уйи томонидан «Чоп этилган» «Улугмисан, Ватаним» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтади. Мазкур китоб байрамида туманда яшай-

диган 108 нафар кам таъминланган ўқувчиларга дарсликлар, ўқув қуроллари, портфель кабилардан иборат жами 2 миллион 310 минг сўмлик совғалар топширилади.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётлар Фаргона вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга 1200 дан зиёд турли дарслик ва адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий адабиётлар тортиқ этишади.

Бундан ташқари тадбирга вилоят бўйича 360 нафар ўқувчи таклиф этилади. Уларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар томонидан 38 миллион сўмлик ўқув қуроллари, барча туман кутубхоналарига эса бадий адабиётлар, дарсликлар, плакатлар тўхта этиш ҳам режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tsbim.uz E-mail: info@tsbim.uz va Bija@mail.tps.uz

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Жавоб оддий: биз Ўзбекистон ҳақида деярли ҳеч нарса билмаймиз. Билганимиз — Ўзбекистон Украина, Молдова, Озарбойжон ва Грузия билан бирга ГУУАМ аъзоси. Бир қарашда, Ўзбекистон ҳақида билишнинг эҳтиёжи бормикан? У ўзоқда, дунёнинг нариги чеккасида жойлашган бўлса, Иқтисодий жиҳатдан оқибатдан бўлса, Ўзбекистон биз учун ҳамкор сифатида бошқа мамлакатлар қаторида муҳим аҳамиятга эга, у билан савдо-сотиқ қилишимиз мумкин. Лекин ўрнат олиш нуктаи назардан биз мамлакат бизни кўп қизиқтирмайди. Аммо, бундай дейиш — катта хато. Аслида ҳаммадан ҳам нимандир ўрганиш мумкин ва зарур. Инсон агар ҳаётдан орқада қолишни истамаса, бутун умри давомда мунтазам ўқиб-ўрганиши лозим. Худди шу каби ҳар қандай давлат атрофида воқеаларни синчковлик билан доимий кузатиб бориши,

фаолияти туфайли рўй берган ўқдан бу ёққа оғишларни бошдан кечирмади. Бундай муҳолифат кўпинча нима қилаётгани ва бундай ишлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўзига ҳисоб бериб ўтирмайди. Ана шундай барқарорлик Ўзбекистонга ўзининг ички ва ташқи сиёсатини чуқур ўйлаб, турли экстремистик доираларга, Россия, АҚШ, Европа, кўшни мусулмон давлатларга ва умуман ҳеч кимга ён босмасдан олиб бориш имконини берди. Иқтисодчилар Ислам Каримов жорий этган иқтисодий ислохотлар модели қаердан — Хитой, Чили, Кореядан ёки бошқа бирон-бир давлатдан олингани ҳусусида халихануз баҳс юритишади. Лекин буларнинг ҳаммасидан пировард натижа муҳим: Ўзбекистон собиқ шўро ҳудудидаги мустақил республикалар орасида барча соҳаларда — бу иқтисодий соҳа бўлади, сиёсий ёки ижтимоий соҳа ҳам — муваффақиятга эришган мамлакатлардан бири бўлиб чиқди. Ай-

чилик аъналарини туфайли диний экстремистларда уни халқро террорчилик ва нарқобизнеснинг таянч нуқталаридан бирига айлантиришдан иборат қабихият пайдо бўлди. Нарқобизнес эса халқро террорчилик учун асосий молиявий манба экани ҳеч кимга сир эмас. Лекин амалда бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди — Ўзбекистон халқро террорчиликка қарши курашда таянч нуқталардан бирига айланди! Ислам Каримов аввал-бошда ноқ қатъият кўрсатиб, экстремистик этномиллатчи ташкилотлар ва ўз террорчилик фаолиятида динни никоб қилиб олган муҳолифатнинг пайини қирқибга муваффақ бўлди ва шу тариқа Ўзбекистонда тинчлик ва оқоий-ишталаник таъминлади. Американинг The Jamestown Foundation таҳлилий маркази томонидан нашр этиладиган «Террорчилик мониторинг» аҳборотномасининг 13-сонидан ўзини Ўзбекистон ислом ҳаракати деб атайдиган миллатчи муҳолифатга

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистонни барпо этиш йўлини ишлаб чиқар экан, «давлат — асосий ислохотчи» тамойилини танлади. Республика раҳбарияти Россия ёки Украина услубидаги либерал ислохотлар модели Ўзбекистонга мутлақо тўғри келмаслигини яхши тушунарди. Мамлакатнинг тарихи ҳам, маданияти ҳам ўзбек заминда замонавий капитализм атиргул ёки лопла каби тез фурсатда гул очшига умид қилиш имконини бермасди. Бундан ташқари, республика раҳбарияти аввал-бошдан ислохотларнинг асосий мақсади — халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат эканлигини эълон қилди. Ислохотларнинг оғир даврини енгиб ўтишда аҳолининг энг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ижтимоий дастурлар ўша пайтдаги «фалаж қилиб даволаш усули»нинг муқаррар зарбини имкон қадар енгилаштирди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатни модернизация қилишдан бошқа мақбул йўл йўқлигини яхши англади. Бу эса жамият ҳаётида демократияни ривожлантиришни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва бир қатор сиёсий ислохотлар ўтказиш ва турли халқро сиёсий институтлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутарди. Шу ўринда мақзур халқро ташкилотларнинг кўпчилиги ёш демократик давлатга нисбатан ҳар доим ҳам хайрихоҳ муносабатда бўлавермаганини ҳам айтиб ўтиш керак. Улар собиқ шўро республикалари орасида биринчи бўлиб қонуний сайланган Ўзбекистон Президентини қаттиққўл ҳўмдор қиёфасида кўрсатишга, ривожланаётган демократияни эса Фарбни алдаш мақсадида қилинаётган Византия йўналирига ўхшатишга астойдил уринарди.


Албатта, Ўзбекистон ҳўкумати ўзи танлаган демократик тараққиёт йўлидан борар экан, бу борада аввало ўз салоҳияти ва кўчига ишонарди. Оқилона сиёсат раҳбариятга, биринчи навбатда, рўй берган хатоларни вақтида тузатиш, иккинчидан, Фарб давлатларига ўзининг ички ишларига аралашиш учун йўл қўймаган ҳолда, улар билан муносабатларда ўз обрўсини муносиб даражада сақлаб қолиш имконини берди. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили тараққиётнинг асосий тамойили сифатида танланди.

Республика парламенти (шунини айтиш керакки, ҳозир амалда оширилётган конституциявий ислохот доирасида) у икки палатали парламентга айланди ва бугунги кунда Президент бажараётган вазибаларнинг бир қисми унинг ваколатига ўтади) инсон ҳуқуқлари ҳимоясига доир 120 дан ортиқ қонун қабул қилди ва 60 дан зиёд халқро шартномани ратификация қилди. Халқро ҳуқуқларнинг умумийроф этилган меъёрлари миллий қонунчиликда мустаҳкам инфодрасини топди.

Ўзбекистонда 300 дан ортиқ миллий ва халқро нодавлат ташкилот ҳамда 2310 та маҳаллий жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган. Мамлакатда АҚШнинг энг машҳур Freedom House ҳўқуқи ҳимоя қилиш ташкилоти ва Human Rights Watch халқро ноҳўкумат ҳўқуқи ҳимоя қилиш ташкилоти, Германиянинг Конрад Аденауэр жағмармаси ва бошқа кўплаб бизга таниш бўлган халқро ташкилотлар фаолият юритмоқда. Инсон ҳўқуқларига риоя қилинишини кузатиш борасида ўз вазибаларини бажаришида уларга ҳеч қим тўсқинлик қилаётгани йўқ. Шу билан бир-бир ноҳўкумат ташкилот ҳақидан ошиб, Ўзбекистон ва унинг қўнуний сайланган ҳўкумати шаънига лой чаллашга ҳам бу ерда ҳеч қим йўл қўймайди.

«Известия — Украина» газетаси, 2004 йил 6 май

ТОШКЕНТ: АМИР ТЕМУР КЎЧАСИНИНГ «БЕЛБОФ»И



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Навбат бизга келди. — Қурилиши йил бошида бошланганми. Узингиз гувоҳ иш қизгин, дам ганимат. Бутун бошли «Мостострой» — кўприк қурилиш трестига қарашли 13,14,67-қурилиш гуруҳлари ҳозир шу ерда. «Мехмост» акциядорлик жамияти қурувчилари ҳам ёрдамга келишган. Икки сменада 300 дан ортиқ одам ишлаяпти. Эстокада узунлиги 276,5 метр...

— Бу умумий узунлигини? — Йўқ, умумий узунлиги 621,2 метр, — гага аралашди трестнинг ишлаб чиқариш ва ривожлантириш бўлими муҳандиси Игорь Ким. — Иншоот битчак, икки томонлама қатнов йўлга қўйилади. Ҳар бир томонда уч қатордан ҳаракат йўналиши бўлади.

— Кўприк Юнусобод йўналиши бўйлаб трамвай қатновига ҳалақат бермайди? — Йўқ, трамвай троллейбуслар кўприк остидан бемалол ўтиб кетаверди. Трамвай йўлига билан кўприк баландлиги ораси 6 метр... Нафақат трамвай, минорали кран ёки ёнгина қарши машиналар устидаги шоти (наворонлар) ҳам ҳеч бир дахлсиз ўтиб кетади...

— Кўприкнинг кўтариш қуввати қанча? — 80 тонна. Паҳлавон кўприк! Остида 13 та таянч бўлиб, улар 76 устунга эга. Кенглиги йўлчиқлар йўлига билан бирга 28 метр...



Қурилиш участкаларини айланамиз. 13-гуруҳ бунёдкорлари Хидирали Эргашев, 14-гуруҳ ишчилари Ҳусниддин Асомов кўчаларида меҳнат қилишяпти. 64-гуруҳ эса иншоотнинг таянч қопламаларини ўрнатмоқда. «Мехмост» акциядорлик жамиятининг техника воситалари бутун ҳавога бўйлаб ҳаракатда. Мутахассисларнинг ҳўқо қилишча, иншоот фойдаланишга топиширилган, йўловчиларга жуда катта қулайликлар яратилиши билан бирга, халқ ҳўжаллигига ҳам иқтисодий тежаж келтиради. У мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида ишга тушади. Муҳими, кўприк тарих саҳифасига Юртбошимизнинг Ўзбекистон пойтахти — Тошкент

Шарқ машъали бўлиб қолиши учун энг гузал, энг замонавий шаҳар даражасида қурилиши керак деган орзу-умидлари рамзларидан бири бўлиб киради.

Неча-неча йиллар ўтар... Бир кўнама-бир кўн биз ҳам мақзур иншоот қурилишининг дастлабки тикланиш кезларини имкон қадар маҳқ қилгандик, дея ифтихор туйғуларини туйраимиз.

Илҳом КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратларда: кўприк қурилишдан лавҳалар. Шаҳам АҚРАМОВ оingan суратлар

ГАЛЛАЗОРЛАР ЎЗРА ДЕЛЬТАПЛАНЛАР

Қашқадарь мамлакатимизда энг кўп дон етиштирилаётган воҳа. Шунинг учун ҳам галлазорларга ишлов беришда турли усуллардан самарали фойдаланилмоқда. Бу йилдан бошлаб вилоят «Қишлоқхўжалик» бирлашмаси Тошкентдаги «Агропарвоз» хўсурий қорхонаси билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади. Натижада қорхонага тегишли 3 та дельтаплан шон тарикасида ишлатилимоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, галлазорлардаги зарарли ҳашаротлар, бегона ўтларга қарши кимёвий қурашда дельтапланлар самолётларга

қараганда арзон ва қўлай. Масалан, 100 литр эритма билан самолёт 12 гектар галлазорга ишлов беришга, дельтапланда бу кўрсаткич камида 100 гектарга етади. Чўки уларда эритмаи кичик зарарлар ҳўсил қилиб пуржайдиган мосламаларга ўрнатади. Бунинг устига ҳар гектар ёрга ишлов бериш ҳаражати 5-6 минг сўмга камаяди. Айни кунларда вилоят галлазорларидан дельтапланлар ёрдамида ўртача 350-400 гектар галлазорга кимёвий препаратлар сегиломқда.

Юнус ЎЗҚОВ

Тимур ФИСУНЕНКО

ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ — БАРҚАРОРЛИҚДА

барча ихобий ўзгаришлар ва илгор тажрибаларни, улар қаерда пайдо бўлишдан қатъи назар, ўзлаштириши, салбий ҳодисалардан эса тегишли ҳўсалар чиқариши даркор.

Ўзбекистон бугунги дунё харитасида муҳим геостратегик аҳамиятга эга давлат. Бу ерда қандай рўй берган террорчилик ҳаракатлари мамлакатдаги барқарорликка пугур еткази олмади. Бу Ислам Каримов яратган сиёсий тизимнинг яшован ва мустаҳкамлигини яна бир бор намоён этди.

БАРҚАРОРЛИК ВА ОҚИЛОНА СИЁСАТ ЙЎЛИ

Аслида Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги муштарак жиҳатлар дастлабки таассуротлардан кўра кўпроқ эканини айтиш лозим. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам Совет Иттифоқи тарихида бўлган ва бир пайтда тоталитар тузумдан кутулиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган; Ўзбекистонда ҳам, Украинада ҳам радикал гуруҳлар бор; Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам муҳим геосийсий салоҳиятга эга ва шу сабабли халқро майдонда ҳал қилувчи мавқега эга давлатларнинг манфаатлари доирасида туради; Украинада ҳам, Ўзбекистонда ҳам турли хорижий жиғармалар, халқро нодавлат ташкилотлар фаол иш олиб бормоқда, айрим давлатлар эса унинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатига ҳам таъсир ўтказишга уринмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон муайян соҳаларда Украинадан кўра олдинги марраларда туради. Диний ақидаларнинг таҳдидларига қарамай, Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ҳам Фарбда, ҳам Шарқда кўпчилики ўз фикри билан ҳўсбланишга ўргата олди. Ва шу тариқа ҳозирги вақтда яратилаётган глобал ҳавфсизлик тизимида ва халқро террорчиликка қарши курашда муҳим стратегик бўйинга айланди.

Бу ютқунинг сабаби нимада? Бунинг жаваби, бир сўз билан айтганда, барқарорлик ва оқилона сиёсат юритишда. Ўзбекистон, Украинадан фарқли ўлароқ, этномиллатчи муҳолифатнинг

нан Ўзбекистон СССРнинг парчаланishi туфайли вуҳудга келган иқтисодий инқирозни бартараф этиш учун оғир, аммо зарур ислохотларни оқилона амалга ошириш ҳўсбидан бу қўйинчиликни енгиб ўтди. 1997 йилга келиб Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1990 йилга нисбатан 90 фоизни ташкил этди, яъни иқтисодиёти деярли тикланди. Таққослаш учун айтиш керакки, ўша даврда Россияда ялпи ички маҳсулот 1990 йилга нисбатан 59, Қозонистонда 62, Белоруссияда 73, Қирғизистонда 60, Озарбойжонда 44, Арманистонда 58, Молдовада 63, Украинада эса атиги 42 фоизни ташкил этган эди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса 1997 йилда Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан 112,7 фоизни ташкил қилди! Қиёслаб кўринг: ўша пайтда бу кўрсаткич Россияда — 51, Украинада — 52, Грузияда — 23 фоиз бўлган эди. Яъни қолган мамлакатлар, жумладан Россия ҳам оғир инқирозни бошидан кечираётганда Ўзбекистон совет давридаги ўз кўрсаткичларидан ўзиб кетди!

Ҳозир ҳам республиканинг иқтисодий ўнши суръатлари сезиларли даражада юқори: жорий йилнинг январь-февраль ойларидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга ўсган. Қора металлургия (21,1 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (35,6 фоиз), қурилиш материаллари (13,8 фоиз) каби саноат тармоқлари ва енгл саноат (11,4 фоиз) жадал суръатлар билан ривожланди.

ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ МУСТАҚИЛ ЖАНГОВАР КҮЧ

Ўзбекистон аҳолисининг аксарият қисми ислом динига эътиқод қилади. Лекин у — дунёвий мамлакат. Ўзбекистон жаҳондаги энг нотинч минтақалардан бири — Афғонистон ва яқиндаги фуқаролар урушини бошдан кечирган Тожикистон билан чегарадош давлат сифатида диний экстремизм кўринишларига тўқнаш келаётгани табиий. Бу мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви ва аҳолисига хос мусулмон-

халқро террорчиликнинг жирканч кўринишларидан бири сифатида «ўта шафқатсиз», ҳатто ўз аъзоларига нисбатан ҳам раҳмсизлиги билан ном чиқарган ташкилот деб баҳо берилган. Аҳборотнома «хўкуматнинг қаттиққўл сиёсати»ни, Ўзбекларнинг тинчликсеварлиги ва «исломий баргикенглиги»ни, шунинг натижасида Ўзбекистон шаҳарларида «оқоийшталик ва тартиб» ҳўм сураётганини, одамларнинг эртанги кунга ишончи юксак эканини эътироф этди. Мақзур нашр ҳўсалосига кўра, Ўзбекистон ўз барқарорлиги, экстремизмга қарши кураш тажрибаси билан Фарб учун намуна бўла олади.

Табиийки, бундай натижага барқарорлик ва узоқни кўзлаб ил юритиш билангина эришиш мумкин. Бундай сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи фаолиятига бирдай тасаллуқли. Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик саммитига сўзлаган нутқида Марказий Осиё мамлакатлари «Афғонистондан Фарб мамлакатларига наркотик моддаларни етказиш учун энг қисқа ва қўлай йўлакга айланаётгани», бинобарин, Фарб наркотик моддалар ва терроризмдан иборат бундай муҳқш бало-қазога бефарқ қараб турмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Шу боис, АҚШ бошчилидаги коалиция Афғонистонда «Енгилмас озодлик» анти-террор операциясини бошлаганда, Ўзбекистоннинг аэродромлари, бошқа фуқаролик ва ҳарбий инфраузилмалари республика раҳбарияти томонидан иттифоқчилар авиациясига фойдаланиш учун берилгани ҳам ажабланарли эмас.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ вазимин, пухта ўйланган, оқилона сиёсат олиб бераётгани туфайли антитеррор коалициянинг пассив иштирокчиси бўлиб қолмай, ўзини мустақил геосийсий иштирокчи, ҳар томонлама таъминланган антитеррор ҳарбий кўч сифатида намоён этмоқда. Шунинг учун бугун АҚШда ҳам, Россияда ҳам, ислом оламида ҳам Ўзбекистонга ҳўрмат билан қарашади ва унинг фикри билан ҳўсбланишади.

Қонун устуворлиги — амалда

Тадбиркорликка кенг йўл очилган ҳойда моддий бойликлар қўлайиб, бозорлар бўлиб-тошади, ишсизлик тарҳам топади. Бу муҳим тармоқни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳўкуматимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Чўночки, Вазирлар Маҳкамаси «Кичик ва хўсусий тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг рабватлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаолаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси билан боғлиқ ташкилий-назорат ишларининг аксарият қисми Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари зиммасига юклатилган эди. Ҳўш, бу қарорнинг Фаргона вилоятда бажарилиши қандай?

Айни кезде Фаргона вилоятда 30 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шундан фермер ҳўжаликлари 7892 та, кичик қорхоналар 18480 та, деҳқон ҳўжаликлари 1800 тани ташкил этади. Вилоятда ушбу ҳаракатларга энди қиришаётган ва уни орзу қилаётган ҳам оз эмас.

— Бошқармаимиз жорий йилнинг биринчи чораги моқда, деб ҳўсала чиқарилган. Бошқармага тушган аризани ўрганганимизда, Фаргона шаҳар инкассация, Фаргона шаҳар инкассация, Фаргона шаҳар инкассация хизмати томонидан тузилган маълумотномага асосис равишда ўзгаришни киритилганлиги учун мақзур фирмада ноқонуний текшириш ўтказилишига имкон яратилганлигини раҳбари аризаси ўрганилганда Тошлоқ туман ДСИ ходимлари томонидан юқоридаги ҳолатга ўхшаш қонунбузарликка йўл қўйилганлиги маълум бўлади. Солиқ ходимлари А.Юнусов ва Е.Мамажоновлар фермер ҳўжалигига қарашли савдо дўконидан қисқа муддатда текширув ўтказиб, «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»га те-

нинг кўмагини олишмоқда. Жумладан, Қўқон шаҳридаги «Дилором» АЖ раҳбари Ж.Хасанов Қўқон шаҳар ҳўқимлиги томонидан жамиятининг ички фаолиятига ноқонуний аралашиш бўлаётганлигини, шаҳар ҳўқимлиги ўз ваколатидан четга чиқиб жамиятга йиғилиш ўтказиб, жамият раисини алмаштириш борасида ҳаракатлар

олиб бораётганлигини ўз аризасида маълум қилган. Бошқарма жамият манфаатини кўзлаб, Қўқон шаҳар ҳўқимлиги томонидан жамиятининг ички фаолиятига ноқонуний аралашиш бўлаётганлигини, шаҳар ҳўқимлиги ўз ваколатидан четга чиқиб жамиятга йиғилиш ўтказиб, жамият раисини алмаштириш борасида ҳаракатлар



Марғилон шаҳрилик хўсусий тадбиркорлар Х.Мансуров ва А.Мирходжаевлар Миллий банкнинг Фаргона вилоят бўлими томонидан уларга микрокредит ажратишда сансалорликка йўл қўйилаётгани ҳақида ариза ёзишган эди.

Шикоят ариза бошқарма ходимлари томонидан ўрганилганда тадбиркорлар бежиз номиризо бўлмаётганлиги аниқланди. Қисқаси, мақзур банк мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида тадбиркорлар бизнес режада олиниши керак бўлган фойдани бой берган... Юқоридагиларга асосан бошқарма томонидан тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, банкка 4 миллион 800000 сўмдан микрокредит ажратиб, етакчи мутахассис Ш.Бегонов ҳамда кредит бўлими бошлиғи Ш.Ортиқовлардан солидар тартибда А.Мирходжаев фойдасига 689.175 сўм, Х.Мансуровга 1009350 сўм бой берилган фойда, 1 000 000 сўмдан маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси киритди. Даъво суд томонидан 2004 йилнинг 24 февралда қўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳар бирига 689000 сўмдан бой берилган фойда, 1 миллион сўмдан маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарор қабул қилинди.

Фаргона вилоти адлия бошқармасига шу йилнинг уч ойи

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИ

ЁКИ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМИ, ҲОКИМ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ҚАНДАЙ УНДИРИЛГАНИ ҲАҚИДА

ги аниқланди ва Фаргона шаҳар ДСИ раҳбарияти номига тақдимнома киритилди. Тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилди, Фаргона шаҳар ДСининг жорий йил 12 мартдаги 43-сонли буйруғи билан солиқ ходими А.Тожиқовга «хайфсан» интизомий чораси қўрилди. Текшириш давомидан тузилган да-лолатномалар эса ҳақиқий эмас деб топилиб, бекор қилинди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан «Солиқон ўгли Мўминжон» фермер ҳўжали-

гишли тартибда ёзув киритилди. Бошқарма мақзур масаласда шу йилнинг 1 март кунини айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритилди. Тақдимнома Тошлоқ туман ДСИ томонидан қўриб чиқилиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган солиқчиларга нисбатан чора қўрилди. Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар тўла ундирилди.

Адлия бошқармасига мадад излаб келаётганларнинг аксарияти адлия ходимлари-

дасига Қўқон шаҳар ҳокими А.Ходжаевдан 200000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Бир нарсани тан олмақ зарур: шикоятбозлик ўз-ўзиндан пайдо бўлмайди. Базъи шикоятлар одамлар орасида ҳўқуқий билим ва маданиятининг етишмовчилиги натижасида юзага келса, яна бир қисмига фуқароларнинг қонуний ҳўқуқлари айрим мансабдор шахслар томонидан поймол этилаётгани сабаб бўлмоқда.

Фаргона вилоти адлия бошқармасига шу йилнинг уч ойи

Ислоҳот одимлари

Вилоятда пахтачилик соҳасидаги оқсоқлик йилдан-йилга кучайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишга солиши табиий. Охириги тўрт йил мобайнида вилоятда пахта етиштириш 281 минг тоннадан 226 минг тоннага тушиб қолгани, ҳосилдорлик эса 5 центнерга пасайиб, давлатга қарийб 138 минг тонна пахта кам етказиб берилгани пахтачиликдаги аҳволни яққол кўрсатиб турибди... Бир пайтлар ишни қойил қилиб, барча-барчага ўрناк бўлган вилоят деҳқонлари энди бошқа жойларга бориб тажриба ўрганишга эҳтиёж сезмоқда.

Ислоҳот КАРИМОВ

мирлаш устаконалари фаол ишла турибди.
— Вилоятда ҳозир гўзалар ривож яхши, ҳосилдорлик даражаси-чи?
Саволимизга Чиноз тумани ҳокими Турсунбой Комилов куйидагича жавоб берди:
— Биласиз, пахтачилик ҳўжаларини юқори сифатли, касалликларга чидамли сара уруғлик чигит билан тиллашши — ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилли. Шу жиҳатдан

ҳамда чигитни пушта устига қолаверса, аниқ ушлаб экишда замонавий севка ва техникалар кўчига суянилатганлиги ҳисобига қўл меҳнати ҳажми қисқариб, ҳосилдорлик салмоғи йилдан-йилга ортмоқда. Жорий ҳўжалик йилда 7 минг 500 гектар майдонга сара уруғ қадаб, 19 минг 880 тонналик пахта хирмони уюшга аҳд қилганмиз...
«Эшонобод» ширкат ҳўжалиги нафақат Чинозда, балки бу

бошқа ёғнарчиликларда пайкаллардаги ниҳоллар бетагафот саклаб қолинди. Шунингдек, ернинг намлиги ҳам макбул ҳолатларда ушлаб турилади.
— Табиатда ҳамма нараса ўзаро узвий боғлиқликда бўлади, — дейди тумандаги «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги раиси Абдусамат Ақромов. — Шу боис, деҳқон доим ер билан, қолаверса, табиат билан тиллашши ишлайди, яшайди.
Бу ҳўжалик раисининг фал-

сад қилиб қўйганмиз, — дейди Пскент тумани ҳокими Убайдулла Абдуллоев. — Бир йил олдин, туманимизда 11 та ширкат ҳўжалиги бўларди. Эндиликда уларнинг 3 таси фермер ҳўжалиқларига айлантирилди. Ислиддин Хайдаров номли ширкат ҳўжалиги туман марказидан унчалик олиб эмас. 1480 гектар майдони бўлиб, шундан 740 гектарда пахта экилади. Утган йили пахта тайёрлаш режаси 80 фоизда қилиб кетса-

йил шартномавий режамиз 59 фоизда қилиб кетди. Асосий сабаби 2002 йилда жамоамиз йилни 150 миллион сўм зарар билан якунлаганида бўлди. Жорий йилда 2700 тонна уруғлик пахта хомашёси етказиб беришни мўлжаллаямиз. Уруғчиликка иктисослашганлигимиз афзаллиги шундаки, энг аввало, унвучанлиги биринчи синф уруғчилиги хос наваратаямиз. Бундан пахтакор ҳам, ҳўжалик иктисодиёти ҳам бир хилда манфаат кўради...

қон-фермер ҳўжалиқларида IV типга мансуб, толаси жаҳонда харидориги — «С-6524» пахта навици кўпроқ экишга эътибор берди. Сабаби, бу наваратаямиз хоснавис қўйин тозаланиш хусусиятига эга бўлса-да, тола чиқариш даражаси 33-34 фоизни ташкил этмоқда. Жуда яхши кўрсаткич. Қолаверса, у вилоятимиз маҳаллий иқлим шароитларида ҳам мос.
Вилоятимиз бўйича жорий йилда «С-6524» навицидан 10 минг тонна уруғлик чигит тайёрланди. Унинг 5 минг 830 тоннаси вилоят ҳўжалиқларида экилганлиги назарда тутилса, 2750 тонна республикамизнинг бошқа ҳудудларида жўнатилади.
Янги йил туманидаги «Тинчлик» ширкат ҳўжалиги деҳқонларининг ҳам бутун кайфиятлари баланд.
— Ҳўжалигимизда чигит 100 фоз ундириб олинди, — деди жамоа раиси Ғайрат Қоражанов. — Ҳўзада дастлабки ишлов авжида. Ҳар гектар ердан 25 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган ҳўжалик пахтакорлари 953 гектар майдонга чигит экиб, 2500 тонналик хирмон уюшга ва биргина пахтачиликдан 1 миллиард сўмлик даромад олишга ҳаракат қилишяпти...

МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

— ДЕЙИШМОҚДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 108 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНГА САРА УРУҒ ҚАДАБ, 275 МИНГ ТОННАЛИК ПАХТА ХИРМОНИ УЮШГА БЕЛ БОҒЛАГАН ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ

Юртбошимиз бу сўзларни шу йилнинг 29 январь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташкари сессиясида айтган эди.
Хўш, ўтган шу қисқа вақт мобайнида вилоятда жорий йил пахта мавсумига қай даражада тайёргарлик кўрилди? Бир пайтлар қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ҳаммага ибрат бўлиб келган пойтахт вилояти пахтачиликдаги бутун қандай илғор тажрибалар қўлланилмоқда?

Тошкент вилояти ҳокимлигининг қишлоқ ва сув ҳўжалик масалалари бўйича қотибати бош мутахассиси Ҳакимжон Муродовнинг айтишича, бу йил вилоятдаги 108 минг гектар майдонга пахтачининг серхосил «С-6524» нави экилган. Айтишларига, барча давлатларда чигит бир текис ундириб олинди. 5 минг 600 гектардан зиёд майдондаги плёнка остига экилган гўза ниҳоллари ҳам барабаз ривожланмоқда. 86 минг гектар майдонда эса биринчи культивация ишлари поёнига етказилди. Жорий йил экиш мавсумида қишлоқ ҳўжалик қорхоналарида лизинг тўловлари асосида 120 та, вилоят «Пахтабанк» кредити ҳисобига 40 та, «Тошкентпахтасаноат» худудий би-

лашмаси ҳамда вилоят дон маҳсулотлари тизимидаги қорхоналар томонидан 75 та, жами — 225 та чопик тракторлари ва культиваторлар етказиб берилди. Бундан ташқари, Россия билан имзоланган шартномага қўра, олинатган 100 та «Т-4А» русумли ҳайдов тракторларининг 50 таси вилоят пахтачилик ҳўжалиқларида хизмат қилмоқда.
Бош мутахассис келтирган маълумотлардан қўриниб турибдики, вилоят пахтакорлари энди йилнинг тўрт фаслида ҳам техника танқислигини сезишмайди.
Бир пайтлар ширкат ҳўжалиқларидаги техника-трактор паркларига ўз муддатини ўтаб бўлган қишлоқ ҳўжалик техникалари ва уларнинг зарур бўлғовчи қисмлари металлломга тоширилиб юбориларди. Бугун эса вилоятда кўпгина ширкат ҳўжалиқларининг машина-трактор паркларига таъ-

ҳам меҳнат самарасиз кетмаслиги учун деҳқон ҳамиша ўқиб-қўлини чигитнинг серхосил навларини экиш пайида бўлади. Тўғри, уруғчиликда ҳануз ечимини кўтаётган муаммолар ҳали кўп. Аммо, вилоятимизда бу борада изланиш ва ўзгартиришлар ҳам талайгина.
Бир мисол: туманимизнинг қатор ширкат ҳўжалиқларида экилатган биринчи синф чигит уруғчилик раисининг аниқ айтишича, ҳар гектар майдонга 75-80 килограммгача чигит экилган бўлса, эндиликда бу миқдор 26-28 килограммни ташкил этмоқда. Бу борада зарур арготехник тадбирлар сарф-ҳаражатлари икки-уч барабар камайди.
Ҳўжалиқларда гўзани озиклантиришда маҳаллий ўғитлар ва турли гербицидлардан самарали фойдаланилаётганлиги

тун Тошкент вилоятида ҳам илғор ҳўжалиқлардан бири ҳисобланади. Икки-уч йилдирки, ҳўжалик давлатга пахта сотиш шартномавий режасини пеш-қадамлар сафида бажармоқда. Масалан, ўтган йили бу иш 17 кунда адо этилди. Қабул пунктларида 1419 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хомашёси етказиб берилди, ҳосилдорлик гектар бошига 27 центнер ўрнига 34.6 центнерни ташкил этди ва жамоа биргина тармоннинг ўзидан 300 миллион сўмдан зиёд даромад олди.
— Муваффақият ўз-ўзидан келмайди, — дейди ширкат ҳўжалиги раиси Кенбой Қукузов. — Эришайтган ютуқлар экиш омилларидан бири, бу эрта баҳорданок чигитни пушта устига экиш усулини жорий қилганлигимизда. Унинг афзаллиги шундаки, кучли сел ва

сафаси эмас, оддий ҳақиқат. Шунданми, пахтакорлар бу ҳақда изчил изланиб келишди. Ҳосилдорликни ошириш, маҳаллий иқлим шароитларига мос навларни сақлаб қолиш уларнинг доимий диққат марказида. Утган йили қабул пунктларида 1000 тонна микродора хомашё етказиб берган деҳқонлар жорий йилда ҳам 310 гектар майдонга пахтачининг «С-6524» нави чигитини қадаб, қисқак меҳнат марраларини кўзлашган.
Пскент ва Бекобод туманларида ўтган йили шартнома режаси атиги 65-67 фоизга бажарилган эди.
— Хўш, улардаги қоқоқлик боиси нимада?
— Жорий йилда 10 минг гектардан зиёд майдонга чигит экиб, 27 минг 700 тонна микродора пахта тайёрлашни мақ-

да, биргина пахтачиликнинг ўзидан 368 миллион сўмдан зиёд даромад олинди. Шундан 68 миллион сўми соф фойда бўлди.
— Утказилаётган ислоҳотлар самараси бу, — дейди ҳўжалик раиси Солиҳқўзи Хайдаров.
— Биласиз, ҳозир тармок қорхоналари ўзини-ўзи идора қилишга ўтмоқда. Агар шундай қилинмаса ҳўжалик бир жойда депсиниб тураверди. Биз бу усулга ўтган йилдан бошлаб ўтдик ва «боқиманда» бўлиб қолишдан қўтулдик...
Уруғчиликка иктисослашган «Пскент» ширкат ҳўжалиги раиси Иножон Мирзахмедов:
— Жорий йилда 1288 гектар майдонга пахтачининг «Тошкент-6», «Денов», «С-2609», «С-4880» навлари чигитини қадаб, деҳқончилик қилаямиз. Режамиз 3 минг 480 тонна. Утган

Раисининг гапларига эътирозли жойимиз йўқ, лекин шу ўринда ҳақли бир савол ҳам туғилди: Хўш, шундай экан, вилоятда нега пахта майдонларининг асосий қисмига айнан чигитнинг «С-6524» нави экилади?
— Сўнгги йилларда тармокдаги айрим муаммоларни тезроқ бартараф этиш чоралари қўрилатгани яхши самара берапти, — дейди «Тошкентпахтасаноат» худудий биришмаси раиси Фарҳоджон Оминов. — Фирмаимизнинг далили сифатида қўнавлиқка рўжۇ қўйган ҳўжалиқларнинг фаолиятини олиб қаранг: ҳосилдорлик паст, режа ўлда-ўлда, ҳаражат кўн ва ҳоказо. Шу боис, келтишар, касалликларга чидамсиз, тола сифати жаҳон андозаларига жавоб бермайдиган навларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлашга қарор қилдик. Барча ширкат ҳамда деҳ-

қон-фермер ҳўжалиқларида IV типга мансуб, толаси жаҳонда харидориги — «С-6524» пахта навици кўпроқ экишга эътибор берди. Сабаби, бу наваратаямиз хоснавис қўйин тозаланиш хусусиятига эга бўлса-да, тола чиқариш даражаси 33-34 фоизни ташкил этмоқда. Жуда яхши кўрсаткич. Қолаверса, у вилоятимиз маҳаллий иқлим шароитларида ҳам мос.
Вилоятимиз бўйича жорий йилда «С-6524» навицидан 10 минг тонна уруғлик чигит тайёрланди. Унинг 5 минг 830 тоннаси вилоят ҳўжалиқларида экилганлиги назарда тутилса, 2750 тонна республикамизнинг бошқа ҳудудларида жўнатилади.
Янги йил туманидаги «Тинчлик» ширкат ҳўжалиги деҳқонларининг ҳам бутун кайфиятлари баланд.
— Ҳўжалигимизда чигит 100 фоз ундириб олинди, — деди жамоа раиси Ғайрат Қоражанов. — Ҳўзада дастлабки ишлов авжида. Ҳар гектар ердан 25 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган ҳўжалик пахтакорлари 953 гектар майдонга чигит экиб, 2500 тонналик хирмон уюшга ва биргина пахтачиликдан 1 миллиард сўмлик даромад олишга ҳаракат қилишяпти...
Дарҳақиқат, бугун вилоят деҳқонларининг шашти баланд. Айтишларига, ҳар гектар деҳқон, мутахассис ва раҳбарини дала бошидан топасиз. Пайкалларда гўза ниҳолларига ишлов уюшқоқлик билан олиб борилапти. Жорий йилнинг 275 минг тонналик пахта хирмони фақат ана шундай гайрат-шиқоят, меҳнат, тадбиркорлик ҳисобига яратилиши мумкин.
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Кучли жамият негизлари

ПАРЛАМЕНТ ИНСТИТУТИ

Дунё парламентчилик тажрибасига назар ташласак, унинг дастлабки ривожланиш палласидан тортиб муҳим демократик институт даражасига кўтарилганга қадар бўлган босқичи турли давлатларда турлича шаклда ўтганига гувоҳ бўламиз.


Яратилганига икки минг етти юз йилдан кўпроқ вақт бўлган «Авесто» китобида инсон ҳуқуқ ва бурчларининг илк ўқунлари дуч келиш мумкин. Исрол динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва кенг ёйилиши ҳам бу ҳудудда бир қатор муслмон ҳуқуқий меъёрларининг жорий этилишига сабаб бўлган эди. Мўғуллар бошқини давлатчилик тизими шаклланиб келатган юртимиз учун яна таназул даврини бошлаб берди. Бироқ XIV асрга келиб улкан салтанат тузиш ғоясини ўртага ташлаган соҳибқирон Амир Темури мавжуд бошқарув тартибларини тўбдан такомиллаштириб, амалда марказлашган давлат яратиш негизларини асослаб берди. У ички ва ташқи сиёсат бобида, шунингдек, қонунчилик ва давлат бошқарувида «Куч — адолатда» деган ғояга таянди.

XVIII-XIX асрларга келиб ўзаро келишмовчиликлар, тахт таллашлар оқибатида қудратли давлат кичик хонлиқларга бўлиниб кетди.
XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб чор Россияси босқини туйфайли аҳвол янада мураккаблаштириб, халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини сақлаб қолиш йўлида маҳаллий бошқарувчилар ва маҳаллийларга қарши жуда кўп қўл қўзғолонлар уюштирди. XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида эса большевиклар сиёсати туйфайли бутун Марказий Осиё мустамлакага айлантирилди. Шундай бир вазиятда юзага келган Туркiston Мухторияти озодлик йўлида ҳаракатларнинг бошланишига туртки бўлди. Мухториятнинг илк

қурултойларидан бошлаб маълум бир қонун-қоидалар яратилишига уринишлар бошланди. Натихада парламент деб номлаш мумкин бўлган янги бир қонун чиқариш органи вужудга келди.
Совет СССР деб номланган ёвузлик салтанати даврига келиб эса қонунчилик, парламентаризм учун ҳам турғунлик йиллари бошланди. Олий Совет деб номланган парламент КПСС томонидан бошқарилар, партия назоратисиз ёки унинг кўрсатмаларисиз бирорта қонун ёки меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмасди. Республиклардаги аҳвол эса бундан да ночор эди. Улар асосан СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарор ва қонунларни тасдиқлаш фаолияти билан шуғулланар эди.
XX асрнинг 90-йилларига келиб дунё сўзасида ўзгартиришлар даври бошланди. Жумладан, ЎзССР Олий Кенгашида ҳам истиқлол экинлари эса бошланди. 1990 йил 18 февраль Ўзбекистон тарихида муҳим сана сифатида эътироф этилади. Олий Кенгашининг янги сайланган тарихий мустақилликни кўлга киритиш борасидаги илк уринишларга иштирокчи бўлдилар. Орадан бироз вақт ўтиб, яни 24 март куни республикада президентлик лавозими таъсис этилади ва Олий Кенгаш қарорига мувофиқ Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти этиб тайинланди. XII қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 2-сессиясида «Мустақиллик декларацияси» қабул

қилинди. Бу билан мамлакатимизда истиқлолнинг илк тамал тоши қўйилган эди. Орадан бир йил ўтиб 1991 йил 31 августда Олий Советнинг XII қақирқ навбатдан ташкари сессиясида икки муҳим ҳужжат: «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги асослари тўғрисида» ва «Қонун ва Республика Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» баёнот қабул қилинди.
Демократия сари илгарилар бораётган парламент институти ҳам ўз-ўзини такомиллаштириш, жаҳон тажрибаларини ўрганиш борасида қатор қадамларни қўйди. Шу муносабат билан истиқлол меvasи сифатида бугунги Олий Мажлис майдонга келди. Бу борада 1993 йил 28 сентябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» ва «Қонун янги парламентнинг шаклланишига, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига олиб келди. Шундай қилиб Олий Кенгаш ваколатлари Олий Мажлисга ўтказилди. Шунга мувофиқ 1994 йил 25 декабрь куни илк бора Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди.
XXI аср Ўзбекистон парламент институти учун ҳам ислоҳотлар даврини бошлаб берди. Гарчи мамлакат парламенти — Олий Мажлис бир палатали парламент тизимида бўлса-да, унда 1995 йилдан то 2000 йилга қадар фундаментал характерга эга бўлган 10 та кодекс, 2 та Миллий дастур, 138 та қарор ва турли йўналишлардаги 468 та қонун қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакат тараққиёти учун ўзига ҳос асос вазифадон иш ўтади. Лекин даврининг долғали қадамлари ҳамиша илгарида бошлайди. Ўзбекистонда

ҳам икки палатали парламент асослари яратила бошланди. 2002 йилнинг 27 январда умумхалқ референдуми ўтказилиб, унда Президент ваколатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартириш ва парламентни икки палатали шаклга ўтказиш масалалари қўйилди.
Халқимиз референдумда яқдиллик билан икки палатали парламент учун овоз берди. Бунини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: референдумда овоз берувчилар рўйхатида киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди. Улардан 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали шаклга ўтказиш розилик билдирилди.
«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги Конституциявий қонунга қўра, Олий Мажлисининг қўйи палатаси — Қонунчилик палатаси, қўри палатаси эса Сенат деб аталадиган бўлди.
Хуллас, республикамиз парламентининг икки палатали шаклга ўтказилиши, қонунчилик ҳарафининг пухта, мукамал механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шундангина ўз олдимиизга қўйган мақсадга, яни парламентимиз томонидан қабул қилинадиган қонунлар мукамаллиги ва сифат даражасининг юқорилигига эришишимиз мумкин.
Момасодиқ АТАБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси



ГАНДИ ТАРАФДОРЛАРИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ҳиндистонда 20 апрелдан 10 майгача тўрт босқичда бўлиб ўтган парламент сайловларида муҳолифатдаги «Ҳиндистон миллий конгресси» партияси ғалаба қозониб, 272 ўринни кўлга киритдилар. Энди улар янги ҳукумат таркибининг тузиш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб ҳокимият тепасида турган «Бхаратия жанати партияси» мағлубиятга учради (парламентдан 200 га яқин ўрин ололди холос). Амалдаги бу партия юритган сиёсатдан, олиб борган ислоҳотлардан Ҳиндистон фуқаролари норозилигининг намойишидир бу.
Мамлакат бош вазири Атал Бихари Вахпаи истаъбофга чиқаришларини сўраб Президент Абдул Каломга расмий мурожаат этди.

CNN хабарига қўра, «Ҳиндистон миллий конгресси» партиясининг суғасад натижасида ўлдирилган собиқ бош вазир, марҳум Ражив Гандининг беvasи, Индира Гандининг келини Соня Ганди бошқармоқда. Умуман олганда, мана ярим асрдирки, Ҳиндистон сиёсий ҳаётида Гандилар сулоласи муҳим роль ўйнамоқда.
Ҳиндистонда бўлиб ўтган маэкур сайловлар дунё бўйича энг йириги ҳисобланади. Унда 670 миллиондан ортиқ сайловчи қатнашди.

СИЁСИЙ БОШПАНА БЕРИШГА РОЗИ

Жанубий Африка Республикаси маъмурияти Гаитининг собиқ экс-президенти Жан Бертран Аристидга вақтинчалик сиёсий бошпана беришга рози бўлди.
Эсингизда бўлса, бундан бир неча ой муқаддам Аристид президентлик лавозимини ташлаб, мамлакатдан чиқиб кетган эди. Негаки, унинг истаъбосини талаб қилиб, уюштирилган оммавий намойишлар авжга минган эди. Хозир у Ямайкада, дея хабар беради AFP агентлиги.

ПРЕЗИДЕНТ ТАҚДИРИГА ОИД ҲУҚМ...

Жанубий Корея Конституциявий суди бундан 2 ой муқаддам парламент томонидан ўз вазифасидан четлатилган мамлакат Президентини Но Му Хен ишнини кўриб чиқишни якунлади.
Президент тақдирига оид ҳуқм ё импичмент тўғрисидаги қарорни бекор қилиб, республиканинг давлат раҳбарисиз яшашига чек қўйди ёки Но Му Хеннинг лавозимдан четлатилишини тасдиқлайди. У ҳолда янги президент сайлови ўтказишга тўғри келади.

Қузатувчиларнинг фикрича, Но Му Хеннинг лавозимига қайта тикланишига умид бор. Негаки, ўтказилган сўров натижаларига қўра, 70 фоз аҳоли Президентга нисбатан импичмент қўлланилишини адолатсизликка йўлқомади.
Сеул матбуоти хабар беришича, агар Но Му Хен лавозимига қайтса, ҳукумат таркибиде ўзгартирил қилиши аниқ, Давлат бошлиғи вазифасини вақтинча бажариб турган мамлакат бош вазири Ко Гон ҳам вазифасидан бўшатилиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз: импичмент тўғрисидаги қарор шу йил 12 мартда консерватив муҳолифатчилар кўпчиликини ташкил этган Миллий мажлис йиғинида қабул қилинган. 15 апрель куни бўлиб ўтган парламент сайловларида эса Но Му Хен тарафдорлари, яъни «Йоллин уридан» партияси («Бизнинг очик партия») ғалаба қозониб, бир палатали парламентдаги 299 ўриндан 152 тасини кўлга киритдилар.
Муҳолифатчилар Президент Но Му Хен порақўриқда ва сайлов жараёнида ноқонуний қўллаб-қувватлашларни амалга оширганлиқига айбланмоқда.

Мамлакатдаги «Ренхан» агентлиги маълум қилишича, Конституциявий суд импичмент масаласини кўриб чиқишда сиёсий мустақил бўлиб иш юритишни шартлиги алоҳида уқдрилган. Лекин Но Му Хенни қўллаб-қувватлаган сайловчилар фикри билан ҳам ҳисобшайилмасе бўлмайди. Негаки, улар Но Му Хенни эмас, балки у юритган демократик сиёсатни, Шимолий Корея билан яқинлашувини, мустақил ташқи сиёсат юритишини қўллаб-қувватлаганлар.

Жанубий Корея тарихида биринчи марта расмий Пхеньян томонидан Но Му Хен сиймосидаги Президентини қўллаб-қувватлаш юз берди. Қонқоқ айтидиган бўлсақ, Жанубий Корея парламенти импичмент тўғрисида қарор қабул қилган пайтда Шимолий Корея маъмурияти бунини давлат тўнтаришига уриниш, дея баҳолади.
Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Шимолий Кореянинг ядро дастури бугунги кунда жидий «бош оғрик» бўлиб турган бир пайтда икки давлат ўртасидаги муносабатлар анча ижобий томонга ўзгарди. Шунинг учун ҳам Но Му Хенга импичмент эълон қилиш Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорликка, Трансисибга олиб чиқувчи темир йўлнинг биришувига нуқта қўйилиши билан баробар эканлигини улар тушуниб етишди.
Маълумки, Но Му Хен Нобель мукофоти соҳибни, Шимолий Корея билан узишган алоқаларни тиклаш тарафдори ва жонқуяри, фикрдоши Ким Дэ Чжун ўрнини 2003 йил февралда эгаллаган.

ГРУЗИЯ КАМБАҒАЛ ДАВЛАТЛАР РЎХАТИГА КИРИТИЛДИ

Грузия бош вазири Зураб Жвания Грузиянинг АҚШ томонидан камбағал давлатлар рўйхатига киритилишини ижобий баҳолади ва АҚШга миннатдорчилик билдирди.
Гап шундаки, рўйхатга тиркалган 16 та ночор давлатда иқтисодий ва демократик ислоҳотлар ўтказиш масаласида АҚШ кўмак беради.
АҚШ давлат департаменти берган маъбада қайд этилишича, иқтисодий ёрдам Грузиядан ташқари Бенин, Кабо-Верде, Гана, Лесото, Мадагаскар, Мали, Мозамбик, Сенегал, Арманистон, Монголия, Шри-Ланка, Вануату, Боливия, Гондурас ва Никарагуа сингари мамлакатларга берилади.
Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.



16,5 МИЛЛИОН КИШИ ЭМЛНАДИ

Мексика ҳукумати ўсмир ва катта ёшдаги 16,5 миллион кишини тезкорлик билан қизамиққа қарши эмлаш тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақида баёнот берди.
Бунга сабаб яқинда маэкур касалликнинг янги хуружи бошланганидир.
Маълумки, 1989-1991 йилларда ушбу касаллик эпидемиясидан бир неча минг киши нобуд бўлган эди. «Ана шу тарих қайтариқмаслиги учун эмлаш чоралари ўтказилади» деди мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Хулио Френк.
Хозир шифохоналарга, мактабларга, институту университетларга, ташкилоту қорхоналарга қўшимча вакциналар тарқатилмоқда.
Қизамиқ энг хавфли касаллик ҳисобланади. У қулоқ оғриғи, зотилжам ва энцефалит (бош миёнининг яллиғланиши) касалликларини организмда ривожлантириб, гунг бўлиб қолишга ва мия зарарланишига олиб келиши мумкин. Қизамиқ сабабли ҳар йили дунё бўйича 600 минг киши оламдан кўз юмади, дейилди Россия телевидениесининг 1-канали ахборотида.

СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ ЎЗАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)
Қасб бўлганда ҳам шарафли ва масъулиятли касбга айланди. У ёш аскарнинг устози, Ватан ҳимоячиси. Унинг зиммасига аскарларга ҳарбий илмлардан сабоқ бериш, ўқув-жанговар машқларини бажаришда ташкилотчилик қобилиятини намойён этиш, қўл остидагиларнинг ишончини қозонишдек ўта мураккаб вазифа юклатилган. Ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жанговар техникани авайлаб-асраш, қўл остидагиларга нисбатан қаттиққўл ва шу билан бирга гамхўру меҳрибон бўлиш сержантлик касбининг муҳим омилли.
Чирқик шаҳрида жойлашган Сержантлар тайёрлаш мактабиде бўлиб ўтган битирув маросими ҳам ҳарбий соҳадаги туб ўзгаришларнинг, армияимизнинг ўзгаи булган сержантлар тайёрлашга давлатимизнинг катта эътибори ва гамхўрлигининг ёрқин намунаси.
Шу куни бу ерда ҳақиқий байрам бўлди. Тадбир қатнашчилари Ватан ҳимоячиларига катта ишон билдирди, қўйин ва машаққатли хизматда уларга муваффақият тиладилар.
Рашид ШОДИЕВ

Ватан ҳимояси — олий шараф



Суратларда: битирув маросимидан лавҳа. Александр МРУЧАК олган суратлар

Шеър ва шуур

Шукрона айтаман иштиқлол учун



Мен Ватан ҳақида ёзганим асно Бобомдан бошларман сўзни аввало, Ҳу беи вақт намозин эркин ўқини Чундога илтижо қиларди тун-кун. Яна кўз олдидан ўтар шу айём, Ҳажга бир борсак деб зор ўлган момом...

Мен агар шеър ёзсам Ватан ҳақида Ёзмасам бўлмаган отам ҳақида, Чунки у Ватаним дея тикиб жон То абад ўтказган умрин саргардон.

Мен Ватан ҳақида мавзу бошласам, Келар кўз олдимга муштинар онам. У ҳам шу Ватанинг иштиқобли деб Мехнатда тобланган ўз эркини деб. Эрлардай тинмасам ҳамки бир нафас Лек унинг косаси оқарган эмас.

Мен Ватан мавзусин бошласам агар Рухимни чулғагай хавотир, хатар Қайгуа ботажак ҳар софдил киши Ҳайдан ўтса гар Ватан ўтмиши...

Беш вақт намоз деган бобомнинг руҳи Ҳажга боролмаган момомнинг руҳи. Ватан чун жон тиккан раҳматли отам Иштиқлол, деб ўтган аждод руҳи ҳам...

Ватан хур, эл Озод ушбу аснода Не ажаб шод юрса Ариш Аялода?! Онам ҳам ҳар тонда айлайди дуо: — Сенга кўз тегмасин Ватан, Илоҳо! Мен Ватан ҳақида шеър ёзиб бу кун Шукрона айтаман Иштиқлол учун.

Келажак ҳақида сўзбоши Табиат ўзгарар, Замон ўзгарар, Балки ой, балки йил

Асрлар ўтиб, Мавжудот соҳиби — инсон ўзгарар, Ҳаёт бир нуқтада турмагай қотиб.

Аялолар орзуси бўлиб мустажю, Чекиниб борса-да азоб-уқубат, Турмуш изга тушмас, Кўншалар аро Кўприк бўлмаса гар меҳр-оқибат.

ТУЮҚ Сен ўзинча ўтқирдирсан, ўзгалар ўтмас, Наздинда ҳеч ким сенчалик оловмас-ўтмас. Уйлайсанки, олам эли тиз бука сенга Яхши ҳамки сени ҳукминга оламга ўтмас.

ТЎРТЛИК Қаторда ўзингни нор деб биласан, Ўзинга барчани зор деб биласан, Айт-чи, қачон олам аро ўзиндан Донорқ одам ҳам бор деб биласан!?

ҲИСОБЛИ ДУНЁ Ҳисобли дунё бу — Ҳисобли дунё, Ҳар бир қадамингни чўтга солади. Сенга кўп нарсани беради, аммо Бир кун ҳаммасини қайтиб олади.

Ҳисобли дунё бу — Ҳисобли дунё, Мабодо, қўшилса коринга фириб, Муруват кутмагин ундан мутлақо Нима эксанг шуни оларсан ўриб.

Инсон, Сен ҳам умринг қил ҳисоб-китоб Дунёга нима баҳи эта олурсан?! Гар бунга тополсанг дунёвий жавоб Сен ҳам битта дунё бўлиб қолурсан.

Зиёвдин МАНСУР

Фармон ва ижро

ЮРАГИ СОҒЛОМ ИНСОННИНГ УМРИ УЗУНДИР

Бундан бир йилча муқаддам мамлакатимиз Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди. Унда соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишни ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида бир неча ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этиш белгиланганди. Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида барпо этилган Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази шулардан биридир.

Утган бир йил мобайнида янги марказда кенг миқёсда ташкилий, тиббий, илмий ишлар амалга оширилди, моддий-техника база мустаҳкамланди. Ходимларнинг пировард натижадан моддий манфаатдорлигини ошириш механизми йўлга қўйилди. Натижада иш ҳақи 1,5-2 баравар ошди. Ҳозир шифо мақсадида олти ихтисослашган кардиология бўлими фаолият кўрсатаяпти, бу эса беморларга халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган андозаларга биноан сифатли кардиологик ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда.

Марказни қайта қуриш ва иккинчи навбатини ташмирлаш билан боғлиқ муаммоларга қарамай, 1 йил мобайнида 5 мингдан зиёд беморни даволадик, — дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази раҳбари, профессор Равшан Қурбонов. — энг муҳими, кардиологик ёрдам кўрсатиш сифатининг яхшиланиши тўғрисида беморлардаги оғир оқибатларнинг юз бериши ўтган йиллардаги нисбатан 1,5-2,4 мартагача қисқарди.

Мутахассислар берган хулосаларга қўра, юрак-кўн томир касалликлари миқдори соғлиқга, қолаверса, давлат бюджетига сезиларли зийн етказувчи даражада қисқарди. Одамлар ўлими (53%) ва ногирон бўлиб қолиши (25%) ҳам кўпинча шу дардлар сабаб бўлади. Республикаси аҳолиси ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига қўра, 40 ёшдан ошган одамларнинг 26 фоиздан



кўпроги артериал гипертониядан азият чекоқда. Қарийб 11 фоизи эса турли шаклдаги ишемик касалликларга чалинган. Бу дардлар мия инсультини, миокардининг ўткир инфаркти, юрак ва буйрак етшимовчиликларига сабаб бўлади. Шу босидан ҳам юрак-кўн томир касалликларини бошланғич давридаёқ даволашга эришиш республикамизда муҳим вазифалардан бири саналади. Улим даражаси ва касалликларни камайтириш учун миллатни «кардиологик соғломлаштириш» дастурини яратиш лозим. Утган асрнинг 80-йилларида АҚШ ва Японияда шунга ўхшаш дастурлар яратилган эдики, 15 йил мобайнида бу мамлакатларда юрак-кўн томир касалликларидан ўлим ҳодисаси 40 фоизгача камайган.

бўлган аёлман. Лекин меҳрибон инсонлар қўлида шифо топсанг ҳаёт янада ширин туолар, яшаган сари яшагинг келаверар экан...

Ҳаётда кўпни кўрган, увалижували онахонинг бу қалб сўзлари, ич-ичидан айтган ташаккурлари, дуолари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шу марказдан наҳот ва шифо топган тошкентлик Василлий Қудрин, қашқадарлик Ҳасим Юсуповларнинг ҳам ташаккурлари чексиз.

Бемор ташаккури, миннатдорлиги шифокор меҳнатига энг юксак баҳо. Биз юқорида санаб ўтган собиқ беморларнинг ташаккури айни пайтда марказда фаолият юритаётган профессорлар: Рефат Мамутов, Ҳозир Ҳўжаев, Зокир Юнусов, Тимур Абдуллаев, Нодир Зокиров, Мариятта Елисеева, Умида Муродова, тиббиёт фанлари номзодлари: Александр Шек, Махмуд Пирназаров, Суннат Пулатов, Махид Шохирова, Нозима Салимова, Индира Прохорова, Лариса Асриянц, Алишер Ҳўжаев, Нодира Азимова, Гулноза Хамидоваларнинг меҳнатига, қобилиятига, маҳоратига берилган муносиб баҳодир.

Кардиология марказининг потенциал имкониятлари бир йилдаёқ бутун бўйи-баста билан намоён бўлди. Бирок ундан янада тўлақон фойдаланиш учун базис муаммоларини ҳам ечиш лозимга ўхшайди. Чунки, ҳукумат қарориде қўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини тезроқ амалга ошириш зарур, бу эса марказни қайта тиклаш, жиҳозлаш ва таъмирлаш тугаллаш имконини беради. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни белгиланган меъёrlарга етказиш ҳам муҳим. Шунингдек, диагностика ва даволашда янги юқори технология усулларни ўзлаштириш учун мутахассислар тайёрлашни жадаллаштириш даркор.

Норбобо ШАКАРОВ

Интер-спорт

ШОҲМОТЧИЛАРГА АТАЛГАН САРМОЯ

Шу йилнинг 25 сентябрь — 18 октябрь кунлари Швейцарияда шохмот бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши кўзда тутилган. Тамбург шаҳрида бўлган матбуот йиғилишида мухбирларга ана шу нуфузли мусобақа ҳақида ахборот берилди. Мусобақанинг мукотиф жамғармаси миллион Швейцария франки ёки 772 минг АҚШ доллари ҳисобида белгиланган. Чемпионлик учун эса Владимир Крамник билан Питер Лекко ўзаро донна суришади. Мусобақанинг очилиш маросими 24 сентябрда ўтказилади. Бахсга Маркус Ангст, Андрей Филипович ва Альберт Васселар ҳакамлик қилишади.

ОЛИМПИА СТАДИОНИ ҚЎРИҚЛАНАДИ

Шу йил ёзда Афинада ўтказиладиган йирик спорт байрамининг очилиш маросими Марказий стадионда бўлади. Ҳозир қизгин бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мусобақа ташкилотчилари эса стадионни қўриқлаш масаласини ҳам ўйлаб қўйишган.

Бирок яқинда Британия муҳбири Лоре Пик билан суракташ Поло Рожерс стадион нечоғли қўриқланаётганини «синов»дан ўтказиб қўришди. Улар кечки пайт тўғри қоровул олдиға қелишди. Қоровул ҳам меҳмондўст экан, уларга «йўл бўлсин», дейиш ўрнига пиво ичишни таклиф қилган ва стадион атрофи бўйлаб саёҳат қилдирган. Бўлмаса, бу ерда ҳар 25 дақиқада полиция наряди алмашиб турарди. Ҳар қалай полиция уларни сезиб, стадиондан чиқиб кетишга мажбур қилган. Мухбирлар эса икки ярим соат ичиде оз эмас, кўп эмас 90 та сураат олишга муваффақ бўлган.

Греция ҳукумати эса стадионни яхши қўриқлаш масаласида хавотирланаётгани йўқ.

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ:

2004 йил 7 май кунин кимовиди савдоида Бошланғич нархи — 512 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. Бўлган: 65-сонли ер майдони — 750 000 сўмга, 66-сонли ер майдони — 800 000 сўмга, 73-сонли ер майдони — 750 000 сўмга, сотилди.

Шунингдек, РКМБ Тошкент шаҳар бўлими иштирокида РКМБ томонидан 2004 йил 12 майда ўтказилган марказлаштирилган электрон биржа савдоларида «BUYUK TIRON» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 50,0 фоизлик давлат улуши 7 120 000 сўмга сотилди.


Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоқур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.



Суратларда: 1. Кардиология марказининг реконструкция қилинган бош корпуси; 2. Кон айланиши етшимовчилиги бўлинмаси ходимлари Мавжуда Исломова, Зухра Ҳўжаназарова, Наргиза Ганиева (бўлинма мудири), Людмила Проксурина; 3. Бош шифокор, профессор Рефат Мамутов, профессор Мариятта Елисеева ва тиббиёт



фанлари номзоди Ойсара Мираҳмедова; 4. Кардиоцеребрал хасталиклар бўлинмаси мудири, профессор Озод Ҳўжаев; 5. Профессорлар Тимур Абдуллаев, Зокиржон Юнусов ва тиббиёт фанлари номзоди Суннат Пулатов; 6. Кардиология маркази директори, профессор Равшан Қурбонов.



Шокият АҚРАМОВ олган суратлар

ЭНГ МУРУВВАТЛИ ҚЎШНИ



«Экосан» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида «Кўшни — қўшнинг» деб номланган мурувват кунлари ўтказиш ташаббуси билан чиққандилар.

2,5 мингдан зиёд саховатли юртдошларимиз томонидан амалга оширилган меҳр ва мурувват ифодаси бўлган ишлар Наманган вилоятида қўрик-танловга айлиниб кетди. Наманган шаҳридаги Бобур номи маданият ва истироҳат боғида ана шу танловнинг вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга қўра Тўрақўргон туман Ерпена маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор аёл Маъсудахон Содиқова биринчи ўринга сазовор бўлди. Мурувват кунлари жараёнида маҳалладошларига 6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатган, 40 дан зиёд янги ишчи ўринлари очишга эришган Маъсудахон Содиқовага 1 даражали диплом ҳамда қимматбахо совғалар топширилди. Шунингдек, опа «Энг мурувватли қўшни» номинациясига ҳам муносиб деб топилди.

Чуст туманидаги Пансада маҳалла фуқаролар йиғинидан Обиджон Муллажонов, Учқўргон туман Охунбобоев маҳалласидан Маъмуржон Нуралиев иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

— Бизнинг савдо ишлаб чиқариш кичик корхонамиз «Дилрабо-СДА» номи билан 1992 йилдан буён фаолият қилади. Меҳр ва мурувват йилида бир қанча ишларни режалаштирганмиз, — дейди Маъсудахон Содиқова. — Маҳалламизда 2 километр йўлни асфальтладик, ичимлик суви келтирдик, кам таъминланган тўрт оила хонадонини тўла таъмирдан чиқариб бердик. Бемор қўшниларимиздан 3 нафарини шифохонага кўрсатиб, соғайтирдик. Камжарж оилаларининг фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар билан қўмақлашдик. 15 хонадон обунасига ёрдам бердик. Чин кўнгилдан, меҳр-муҳаббат билан қилинган иш барибир элнинг назарига тушар экан. Бу каби хайрли ишларимизни яна давом эттириш ниятидамыз. Айни пайтда маҳалла гузаро барпо этишга киришяпмиз. Мустақиллик байрамигача маҳалла гузарини фойдаланишга топширамыз. Бу ерда 15 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мустақил юртимизда амалга оширилаётган ишлар айниқса, шахсан Юртбошимизнинг тадбиркорларга қатта эътибор қаратаётгани, албатта, бизни хали кўпгина эзгу ишлар қилишга чоғлантиради.

НОСИРЖОН ДЕКХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Қўрик-танловнинг голибаси Маъсудахон Содиқова. Хотам МАМАДИЛИЕВ олган сурат

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

«ОЛОВ» ДЕГАН БИЛАН ОГИЗ КҮЙМАС Бу мақол «Холва» деган билан оғиз чучимас» мақолининг акси бўлиб, «Халлий гаплар кишини умидига етказо олмагани сингари, қўриқинчи, ваҳимали гаплар ҳам кишини махв эта олмайди. Бундай гаплар фақат гаплигича қолаверарди, сен бундан кўркам ҳам, чўчима ҳам», деган маънода кишига далда берадилар, дадил ва жасоратли бўлишга ундайдилар.

Дераарки, оғиз ўт деса куймас вале бу оҳ Чун сабт бўлса, хомау дафтари куйдурур. (Навоий)

ОЛТИНДАН ОМОЧ БЎЛМАС, ЛИСДАН — ПИЧОҚ

Олтин шундай қадрли, қимматли бўлгани билан, барибир омомч бўлиб, ерни ҳайдай олмайди. Мис ҳам темирга қараганда қимматбахо бўлгани билан, пичоқни ундан эмас, темирдан ясайдилар. Чунки, пичоқ мисдан ясалса, тезда ўтмас бўлиб, ейилиб кетади. Маъмур мақолни мажозан: «Ҳар бир нарса ва кимса ҳар қанча баланд ё паст саналмасин, кучини, фойдасини, самарасини, афзаллигини ўз ўрнида, ўз жабҳасидагина кўрсата олади», деган маънода қўлайдилар.

ДУК «Сувсоз» трести 2004 йил 1 июндан сув таъминоти хизмати учун 1 м³ учун қўшимча қиймат солиғисиз 25 сўм, оқова суви зарарсизлантириш хизматлари учун 1 м³ га қўшимча қиймат солиғисиз 16 сўм 50 тийин, янги тарифларини киритади. (декларация 530 тт 2004.13.05.04).

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifot; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va ommaviy ishlar; Reklama va e'lonlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbachi: Anvar SAMADOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Iliyor UBAYDULLAYEV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bozormasnasida chop etildi; Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan to'xtatga olingan; Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi; Hajmi 2 bosma taboq; «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat ta'hiriyat ruxsatini bilan amalga oshiriladi; 10315 nusxada bosildi; 1 — Tijorat materiallari; Topshirish vaqti — 21.00; Topshirildi — 22.00; 2 3 4 5 6; SOTUVDA ERKIN NARXDA